

ЭРТАНГИ КУН МАҲАЛЛАСИНИНГ БУГУНГИ ҚИЁФАСИ

2-с.

ҲИСОБЛАГИЧНИ НЕГА ИСТЕЪМОЛЧИ ЎЗ МАБЛАҒИГА ЎРНАТИШИ КЕРАК?

3-с.



ЎЗБЕКИСТОН МАҲАЛЛАЛАРИ УЮШМАСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ, МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ГАЗЕТАСИ

№62 (2390)

2026 ЙИЛ 5 АВГУСТ, ЧОРШАНБА

Mahalla

ХАЛҚҚА ЯНАДА ЯҚИН

WWW.UZMAHALLA.UZ

2026 ЙИЛ — “МАҲАЛЛАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЖАМИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ ИЙЛИ”

УЮШМА КУНДАЛИГИ

МАҲАЛЛАДАГИ ИЖТИМОИЙ МУҲИТ ВА ЁШЛАР МУАММОЛАРИ ЎРГАНИЛДИ

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси раиси, Маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш масалаларини мувофиқлаштириш бўйича Республика комиссияси раиси Қаҳрамон Қуронбоев бошчилигидаги Республика ишчи гуруҳи Сурхондарё вилоятида ўрганишлар олиб боряпти.

Ишчи гуруҳ дастлаб **Термиз шаҳри** ва **Жарқўрғон туманида** бўлиб, маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш тизимининг самарадорлиги, уларнинг бандлигини таъминлаш, касб-ҳунарга ўқитиш, ўзини ўзи банд қилиш имкониятларини кенгайтириш ҳамда имтиёзли кредитлар орқали тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш борасида амалга оширилаётган ишлар билан танишди.

Ўрганишлар давомида **маҳаллалардаги ижтимоий муҳит, уюшмаган ёшларни манзилли қўллаб-қувватлаш,** шунингдек, ҳуқуқбузарлик ва турли салбий иллатларнинг олдини олишга қаратилган профилактик чора-тадбирлар атрофлича таҳлил қилинди. Республика комиссияси аъзолари ёшлар билан очиқ мулоқотлар ўтказиб, уларнинг таклиф ва ташаббуслари, мавжуд муаммо ва эҳтиёжларини тинглади. Ўз тадбиркорлик фаолиятини муваффақиятли йўлга қўйган, касб-ҳунар эгаллаб, барқарор даромад манбаини яратган ёшлар фаолияти билан танишилди.

Республика комиссиясининг Сурхондарё вилоятидаги ўрганишлари давом этмоқда.



НУҚТАИ НАЗАР

“Ташаббусли бюджет” лойиҳасининг 2026 йилги иккинчи мавсуми учун лойиҳаларни қабул қилиш жараёни якунланди. Лойиҳанинг бу мавсуми учун 2 триллион 187,7 миллиард сўм маблағ ажратилган.

“ТАШАББУСЛИ БЮДЖЕТ”: НЕГА АЙРИМ МАҲАЛЛАЛАР ҲАНУЗ ЧЕТДА ҚОЛМОҚДА?



ҒОЛИБ МАҲАЛЛАЛАР ЭМАС, ФАОЛ МАҲАЛЛАЛАР КЎПАЙИШИ КЕРАК

“Ташаббусли бюджет” лойиҳаси сўнгги йилларда аҳолининг давлат бошқарувидаги иштирокини таъминлаган энг самарали тизимлардан бирига айланди. Бу орқали юзлаб мактаблар таъмирланди, ички йўллар асфальт қилинди, ичимлик сув тармоқлари янгиланди, болалар майдончалари қурилди, кўчалар ёритилди.

Бироқ рақамлар ортида бошқа бир ҳақиқат ҳам бор. Ҳар бир овоз бериш мавсуми якунлангач, мамлакат бўйлаб юзлаб маҳаллалар бирорта ҳам лойиҳа билан қатнашмагани ёки қатнашса-да, етарлича овоз тўплай олмагани маълум бўлади. Натижада бир ҳудуд кетма-кет ғолиб чиқса, бошқаси бир неча йилдан буён бирор лойиҳасини амалга ошира олмаяпти.

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида жорий йил 16 июль куни ўтказилган видеоселектор йиғилишида қайд этилганидек, лойиҳа доирасида **2026 йилда 7,5 триллион сўм ажратилган бўлса-да, 2 136 та маҳаллада бирорта лойиҳа ғолиб чиқмаган.** Давлатимиз раҳбари маҳаллалардаги ҳамжиҳатлик, дахлдорлик ва ташаббускорлик айнан шундай амалий натижалар билан ўлчанишини таъкидлаган эди.

Давоми 2-саҳифада.

Савол туғилади: муаммо “Ташаббусли бюджет” тизимидами ёки маҳаллаларнинг ўзидами? Таҳлиллар иккинчи жавоб ҳақиқатга яқинроқ эканини кўрсатади.

БУГУНГИ СОНДА:

“Борган жойингда тошдек қотгин”, деган ўгит бизга қатъий ҳукм эди

Оила муроса ва ҳурматни қадрлайди. Келин оила аъзоларига қанчалик чиройли муносабатда бўлса, куни келиб, эъзоз ва эҳтиром топади. Лекин айрим аёллар “мен ўзим учун яшашим керак”, деган фикрда қотиб қолган.

4-с.

Бир лаҳзалик хато — бир умрлик пушаймон

Муаммонинг ечими фақат жазода эмас. Энг кучли қурол — эрта профилактика. Мактаб, маҳалла ва оила биргаликда ҳаракат қилмаса, кеч қолишимиз мумкин. Болани назорат қилиш эмас, уни тушуниш; таъқиқлаш эмас, ишонтириш; қўрқитиш эмас, мақсад сари етаклаш бугуннинг энг муҳим вазифасига айланмоқда.

5-с.

“Менга халқнинг “раҳмат”и кучлироқ рағбат берди”


“Маҳалладошларимнинг ишончини қозониш ва ҳудудда жиноятчиликнинг олдини олиш учун фаолиятимда тизимли тамойилларга таянаман. Жумладан, халққа яқин бўлиш учун фақат хизмат хонамда ўтирмайман, доим эл ичидаман. Махсус “Инспектор алоқада” телеграм гуруҳини ташкил этганман”.

8-с.

Гўдаклар кўнглидаги изтироб

НЕГА ЭЪТИБОРСИЗ ҚОЛЯПТИ?

6



“МАҲАЛЛАДА ОБОДЛИК ВА МЕҲР-САХОВАТ ОЙЛИГИ”

Ободлик ҳашар эмас, масъулият мезони, виждон имтиҳони!

Ватанимиз мустақиллигининг 35 йиллиги муносабати билан “Маҳаллада ободлик ва меҳр-саховат ойлиги” ҳамда “Долзарб 40 кун” тадбирлари ўтказиляпти.

Давоми 2-саҳифада.



Ҳараён маҳаллалардаги ҳақиқий аҳволни баҳолаш, йиллар давомида йиғилиб қолган муаммоларни аниқлаш ва уларни бартараф этишда муҳим аҳамият касб этаётир.

Самарқанд вилоятидаги 1 063 маҳаллада кенг қўламли ободонлаштириш ва меҳр-мурувват тадбирлари ташкил этиляпти. Қувонарлиси, маҳаллаларда яшовчи давлат хизматчилари, “маҳалла еттилиги” аъзолари, фаол нуронийлар шахсий намуна кўрсатиб, ўз хонадони ва унинг атрофини саранжом-саришта қилиш, томорқадан унумли фойдаланиш, эҳтиёжманд қўшниларга кўмак бериш орқали бошқаларга ибрат бўлмоқда.

Шу билан бирга, вилоятда ёрдамга муҳтож **20 мингдан ортиқ** хонадон аниқланиб, уларга маҳаллий бюджет, маҳалла имкониятлари ҳамда ҳомийлар ҳисобидан амалий ёрдам кўрсатиляпти.

“КЕЙИНРОҚ” ДЕГАН СЎЗ БАЪЗАН МИЖОЗНИ ҲАМ,


даромадни ҳам йўқотади...

7





ПРЕЗИДЕНТ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВга “Ўзбекнефтгаз” АЖнинг жорий йилги фаолияти ва йил якунига қадар устувор вазифалари юзасидан ҳисобот берилди.



Бугун — 5 август куни Хитойнинг Шандун провинциясида “САМАРҚАНД-2028” СУНЪИЙ ЙЎЛДОШИ орбитага учирилади.



ЎЗБЕКИСТОН ва ҚИРҒИЗИСТОН Фарғона вилояти таркибидаги Чўнғара ва Тоштепа қишлоқларини расман топшириш бўйича ташкилий ишларни бошлади.

“МАҲАЛЛА РАИСИ, БУ — МАҲАЛЛАНИНГ ВИЖДОНИ!”

НУҚТАИ НАЗАР

“ТАШАББУСЛИ БЮДЖЕТ”: Нега айрим маҳаллалар ҳануз четда қолмоқда?

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада.

“ОВОЗ ЙИҒИШ” КАМПАНИЯСИ ТИЗИМЛИ ИШГА АЙЛАНМАЯПТИ

Аксарият маҳаллаларда лойиҳалар ҳақиқий эҳтиёждан келиб чиқиб эмас, овоз бериш бошланишига бир неча кун қолганда шошилинч тарзда тайёрланади.

Аҳоли фикри ўрганилмайди. Кўча-кўй, хонадонлар кесимида қандай муаммо устувор экани бўйича муҳокама ўтказилмайди. Натижада бир маҳаллада бир вақтнинг ўзида бир нечта майда лойиҳалар таклиф қилиниб, овозлар бўлиниб кетади. Бошқа маҳаллалар эса битта йирик ва аҳолини бирлаштира оладиган ташаббус атрофида жипслашади. **Демак, муаммо овоз беришда эмас, тайёргарлик жараёнидадир.**

Ғолиб маҳаллалар тажрибасига назар ташласак, улар овоз беришни бир неча кунлик акция деб эмас, пухта режалаштирилган жараён, деб қабул қилади.

Айрим маҳаллаларда эса барча ишлар маҳалла раиси ёки бир-икки фаолнинг зиммасида қолиб кетади. “Маҳалла еттилиги” ва бошқа масъуллар ягона жамоа сифатида ҳаракат қилмайди. “Аҳоли овоз бермади”, деган хулоса кўпинча ҳақиқатни акс эттирмайди. **Тўғриroғи, аҳоли билан етарлича ишланмаган бўлади.**

Овоз бериш жараёни рақамли платформалар орқали амалга оширилади. Аммо айрим маҳаллаларда ёши катта фуқаролар, имконияти чекланган инсонлар ёки смартфондан фойдаланишни билмайдиган аҳоли қатлами етарлича кўмак олмайди. **Баъзан одамлар овоз беришни хоҳлайди, лекин техник қийинчиликлар боис бу имкониятдан фойдалана олмайди.** Бу ҳолат, айниқса, чекка ва олис ҳудудларда яққол сезилади.



ЭНГ КАТТА ХАТО — НАТИЖАНИ ФАҚАТ РАИСДАН КЎРИШ

Айрим ҳолларда ғолиб бўлмаган маҳалла учун барча масъулият маҳалла раиси зиммасига юкланади.

Бу адолатли ёндашув эмас. Чунки “Ташаббусли бюджет” маҳалла раисининг шахсий лойиҳаси эмас. Бу — бутун маҳалла жамоасининг, “маҳалла еттилиги”нинг, депутатларнинг, фуқаролар йиғинлари фаолларининг ва энг муҳими, аҳолининг умумий ишидир. Агар шу занжирнинг битта бўғини ҳам суст ишласа, натижага эришиш қийинлашади.

Нега баъзи маҳаллалар йилма-йил ғолиб чиқаверади? Бу савол ҳам жиддий таҳлил талаб қилади. Кўп ҳолларда уларнинг аҳолиси кўплиги эмас, балки ташкилий ишлар кучлилиги ҳал қилувчи омил бўлади. Бундай маҳаллаларда аҳоли билан йил давомида мулоқот узилмайди, фаоллар рўйхати шакллантирилган, ёшлар ва кўнгиллилар гуруҳи ишлайди. Ҳар бир кўча кесимида масъуллар белгиланган, лойиҳа овоз бериш бошланмасидан анча олдин аҳоли билан келишиб олинади. Яъни ғалаба тасодиф эмас, тизимли меҳнат натижасидир.



НИМА ҚИЛМОҚ КЕРАК?

Масалани ҳал қилиш учун оддий чақириқлар етарли эмас. Амалий тизимлар керак.

Аввало, ҳар бир маҳаллада “Ташаббусли бюджет” бўйича доимий ишчи гуруҳ ташкил қилиниши лозим. У фақат овоз бериш мавсумида эмас, йил давомида фаолият юритиши керак.

Иккинчидан, маҳалланинг муаммолар реестри шакллантирилиши зарур. Қайси кўчада йўл, қаерда ичимлик сув, қаерда электр таъминоти ёки болалар майдончаси етишмаслиги аниқ рақамлар билан юритилиши лозим.

Учинчидан, “маҳалла еттилиги”нинг ҳар бир аъзоси учун овоз бериш даврида аниқ вазифалар тақсимланиши шарт. Бу жараён битта раҳбарнинг эмас, бутун жамоанинг масъулиятига айланиши керак.

Тўртинчидан, рақамли қўмак нуқталарини ташкил этиш мақсадга мувофиқ. Ёши катта ёки техник имконияти чекланган фуқароларга овоз бериш тартибини тушунтириш ва амалий ёрдам кўрсатиш тизимли йўлга қўйилиши лозим.

Бешинчидан, ҳар бир овоз бериш мавсуми якунланганидан кейин ғолиб ва мағлуб маҳаллалар тажрибаси алоҳида таҳлил қилиниши, энг яхши амалиётлар оммалаштирилиши керак.

***

“Ташаббусли бюджет”нинг асосий мақсади — фуқарони ўз маҳалласи тақдирига бефарқ бўлмасликка ундашдир. Шу боис, ҳар бир маҳалла камида битта пухта ишланган, аҳоли бир овоздан қўллаб-қувватлайдиган лойиҳа билан иштирок этишига эришиш зарур. Энг муҳими, “Ташаббусли бюджет”ни маҳалланинг ташкилий салоҳияти, жамоавий бирлиги ва фуқаролик масъулиятини намоён этадиган мезон сифатида қабул қилиш вақти келди. Ана шунда ғолиб маҳаллалар сони эмас, фаол маҳаллалар сони кўпаяди.



Саҳифани “Mahalla” мухбири Санжар ИСМАТОВ тайёрлади.

“ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ҚИЁФАСИДАГИ МАҲАЛЛА”

ЭРТАНГИ КУН МАҲАЛЛАСИНИНГ БУГУНГИ ҚИЁФАСИ



“Янги Ўзбекистон қиёфасидаги маҳалла” дастури “Чим” маҳалласи мисолида ўзининг амалий ифодасини топмоқда.

Собир ИРИСБОЕВ,
Қамаши туманидаги
“Чим” маҳалласи раиси.

Маҳаллада дастлаб шаҳарсозлик талабларига жавоб бермайдиган 78 та хонадонни тартибга келтириш ишлари бошланди. Шунингдек, “Қарши — Чим — Шаҳрисабз” автомобиль йўли бўйидаги 17 та ҳамда Чинорли ва Ўрта Чим кўчаларидаги 59 та хонадон қайта қурилмоқда. Улардан 14 тасида тижорат банклари молиявий кўмаги асосида қурилиш ишлари олиб бориляпти.

Шу вақтга қадар маҳаллада “маҳалла еттилиги” фаолияти учун муносиб бино мавжуд эмас эди. Барпо этилаётган янги маҳалла маркази аҳолига хизмат кўрсатиш сифатини янги босқичга олиб чиқади. Унда давлат хизматлари, ҳуқуқий маслаҳатхона, таълим ва спорт марказлари, хизмат кўрсатиш объектлари ҳамда аҳоли дам олиш масканлари жойлашади. Бу эса маҳалланинг ҳақиқий ижтимоий фаоллик марказига айланишига хизмат қилади.

Инфратузилмани янгилаш ишлари ҳам кенг кўламда олиб борилмоқда. Лойиҳа доирасида 2 километр автомобиль йўли асфальт қилиниб, худди шунча масофада пиёдалар йўлаклари ҳамда тунги ёритиш тизими барпо этилади. Электр таъминотини мустаҳкамлаш учун иккита трансформатор, 220 та темир-бетон устун ўрнатилиб, 8,4 километр электр тармоғи тортилади. Шунингдек, иккита артезиан қудуғи қазилиб, 3 километр ариқ бетонланади.

Инсон капиталига йўналтирилган лойиҳалар ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Маҳалладаги тўртта ижтимоий объект реконструкция қилинмоқда.

Жумладан, 4-сонли умумтаълим мактабида 12 миллиард сўмлик, 18-сонли давлат мактабгача таълим ташкилотида эса 7 миллиард сўмлик энергия тежамкор реконструкция ишлари амалга оширилади. Оилавий поликлиника замонавий тиббий жиҳозлар ва мебеллар билан таъминланади, Болалар спорт мактаби эса тўлиқ янгиланади.

Экологик муҳитни яхшилашга ҳам алоҳида эътибор қаратилган. 105 та хонадонда 3 километр ток сўриси барпо этилиб, 2 мингдан ортиқ ток кўчатлари экилди. Бу маҳалла кўркини ошириш билан бирга, аҳоли учун қўшимча даромад манбаини ҳам яратади.

Сирасини айтганда, “Чим” маҳалласидаги ўзгаришлар эртанги кун маҳалласи қандай бўлиши кераклигига аниқ жавоб бермоқда.

“МАҲАЛЛАДА ОБОДЛИК ВА МЕҲР-САХОВАТ ОЙЛИГИ”

ОБОДЛИК ҲАШАР ЭМАС, МАСЪУЛИЯТ МЕЗОНИ, ВИЖДОН ИМТИҲОНИ!

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада.

Ойликнинг энг катта аҳамияти, бу — у айрим ҳудудлардаги масъулиятсизлик, эътиборсизлик ва сусткашликни очиқ кўрсатиб беряпти.

Масалан, Оқдарё туманидаги “Даҳбед”, “Бозоржой”, “Кумушкент”, “Гўзалкент”, “Пичоқчи” ҳамда Алишер Навоий номидаги маҳаллаларда марказий кўчалар ва йиғин бинолари тартибга келтирилган бўлса-да, ички кўчалар мутлақо бошқа манзарани намоён этмоқда. Ариқлар тозаланмаган, чиқиндилар йиғилиб қолган, қуриган ўт-хашаклар олиб ташланмаган.

Жумладан, “Даҳбед” маҳалласида катта йўл бўйидаги кўп қаватли уйлар атрофида қуриган хас-хашаклар сақланиб қолгани, уйлар орқасига чиқиндилар ташлангани, баҳорда экилган кўчатлар парваришсизлик оқибатида қуриб кетгани оддий камчилик эмас. Бу ҳудудда ободлик ишларининг тизимли ташкил этилмаганини кўрсатади.

“М-37” автомагистрали бўйидаги Алишер Навоий номидаги маҳаллада ариқларга йиғилган чиқиндилар вақтида олиб чиқилмаган. Йўл бўйидаги пиёдалар йўлакларини ўт босиб кетган. “Кумушкент” ва “Гўзалкент” маҳаллаларида ҳам асосий кўчалар обод кўринса-да, ички ҳудудларда мутлақо бошқача манзара кузатилади. Қуриган ўтлар, тозаланмаган ариқлар, таъмирталаб деворлар ва парваришсиз ҳовли атрофлари бир ҳақиқатни кўрсатади: ободликни фақат давлат ёки маҳалла ташкил қилиб бермайди. У, энг аввало, инсоннинг ўз дарвозаси олдидан бошланади.



Вилоят ҳудудидан ўтган йирик автомобиль йўллари бўйида 5 408 та хонадон ва 1 905 та нотурар объект мавжуд. Асосий қисмида ободонлаштириш ишлари амалга оширилмоқда. Бироқ ҳали ҳам “давлат қилиб берсин”, деган кайфиятдан чиқмаганлар учраб турибди. Ойлик давомида айнан ана шундай хонадон эгалари билан тушунтириш ишлари олиб борилиб, уларнинг ҳам ўз масъулияти борлиги англатилмоқда.

Сирдарё вилоятидаги ҳолат ҳам ойликнинг аҳамиятини яна бир бор тасдиқлади. Янгиер шаҳрининг “Наврўзобод” маҳалласида йиғилиб қолган муаммолар, бошқарув сервис компанияси ҳамда “маҳалла етилиги” фаолиятидаги камчиликлар жамоатчилик эътиборига чиқди. Вилоят ҳокими Эркинжон Турдимов ҳудудга ташриф буюриб, масъулларга кескин эътироз билдирди.

Бу танқид шунчаки эътироз бўлиб қолмади. Дарҳол амалий чоралар белгиланди. Маданият марказини тиклаш учун 500 миллион сўм ажратилиши, мактаб, кутубхона ва маданият муассасаси атрофини ободонлаштириш, янги ёритиш тизимини ўрнатиш, кўп қаватли уйлар атрофини тартибга келтириш ишлари бошланди.

Сирдарё туманидаги “Пахтакор” маҳалласида ҳам ойлик доирасида болалар майдончалари, мини футбол стадиони қуриш, коммунал тармоқларни янгилаш, фасадларни таъмирлаш каби аниқ вазифалар белгилаб олинди. Демак, ойлик муаммони яширмаяпти, аксинча, уни бартараф этиш учун зарур қарорларни қабул қилишга туртки бўлмоқда.

Энг муҳими, бу тадбирлар бир ҳақиқатни яна бир бор исботлади: *маҳалладаги ҳар бир камчиликнинг сабабини фақат маблағ етишмаслигидан излаш тўғри эмас. Кўп ҳолларда муаммонинг илдизи масъулият, ташаббус ва эътиборнинг етишмаслигидадир. Ариқни тозалаш, чиқиндини белгиланган жойга ташлаш, ҳовли олдини озода сақлаш ёки экилган кўчатни суғориш катта маблағ талаб қилмайди. Бу, аввало, фуқаролик маданияти ва шахсий масъулият масаласидир.*

Шу маънода, “Маҳаллада ободлик ва меҳр-саховат ойлиги” ўз олдига қўйилган вазифани бажармоқда. У қаерда ишлар яхши, қаерда сусткашлик борлигини, ким масъулиятини сидқидилдан адо этаётгани ва ким ҳали ҳам бефарқ эканини очиқ кўрсатиб бермоқда.



Тошкентда реновация ҳудудидаги мулкдорларга компенсация ва ижара сифатида тақдим этиладиган “КВАРТИРАЛАР БАНКИ” шакллантирилади.



Ўзбекистонликлар ярим йилда ҚУЁШ ЭНЕРГИЯСИНИ СОТИШДАН 330 миллиард сўмдан ортиқ пул ишлади.



Ўзбекистонда АТОМ ЭНЕРГИЯСИ ВА РАДИАЦИЯ МАНБАЛАРИ билан ишлашнинг янги қоидалари тасдиқланди.

ОДАМЛАР ДАРОМАД ТОПИШИДА ТАДБИРКОРЛАР ҲАЛ ҚИЛУВЧИ КУЧ!



МАҲАЛЛАДА САНОАТ ВА ХИЗМАТ



“КАТТА МАРРАЛАРНИ КИЧИК ЛОЙИҲАЛАР ОРҚАЛИ ЗАБТ ЭТЯПМИЗ”

Ҳар куни эрталаб маҳаллани айланар эканман, “бугун қайси хонадонга қандай кўмак бераман? Неча кишининг бандлигини таъминлай оламан?”, деган саволларга жавоб излайман. Иш куним рақамлар ёки ҳисоботлар эмас, одамларнинг кўзидаги умид ва режаларини амалга ошириш билан бошланади.

Шоҳрух ДАВРОНОВ,
Қўрғонтепа туманидаги “Шоштепа” маҳалласи ҳоким ёрдамчиси.

Тажрибамда англадимки, халқ ичида салоҳиятли, меҳнатсевар ёшлар жуда кўп. Фақат уларга ўз вақтида ишонч ва тўғри йўналиш бериш керак, холос. Бу фикр исботини Умиджон Тожибоевнинг ҳаёт йўли орқали кўриш мумкин.

Ҳаммаси хонадондаги суҳбатдан бошланди. Умиджоннинг мақсади катта, лекин имконияти кичик эди. Дастлабки иш жараёнини кўрганимда, ундаги иштиёқни пайқадим. Бироқ оддий хонадондаги шароит билан узоққа бориб бўлмасди. Фаолиятини кенгайтириш, замонавий ускуналар сотиб олиш ва энг муҳими, маҳалладаги бошқа ишсизларни ҳам атрофига бирлаштириш учун молиявий кўмак етишмаётган эди.

Шунчаки муаммосини эшитиш билан чекланмай, унга ечим топишга ёрдамлашдим. Биргаликда лойиҳанинг келажагини, маҳалла учун қанчалик фойдали бўлишини ҳисоб-китоб қилдик.

Ўзим кафил бўлдим ва унга 100 миллион сўм имтиёзли кредит ажратилиши учун тавсиянома бердим. Тўғрисини айтаман, бу мен учун ҳам катта масъулият эди. Давлатнинг маблағини ҳақиқий эгасига йўналтириш, ундан самарали фойдаланишини таъминлаш ҳоким ёрдамчисининг тажрибаси ва маҳоратига боғлиқ.

Кредит қисқа муддатда расмийлаштирилди. Маҳалладошлар билан биргаликда Умиджонга ишини уйдан каттароқ жойга кўчиришда, корхонани кенгайтиришда яқиндан кўмаклашдик. Ишонч ўзини оқлади. Маблағ эвазига янги иш қуроллари сотиб олинди ва корхона қуввати бир неча баробарга ортди. Нафақат унинг ўзига катта даромад келтирмоқда, балки 15 нафар фуқаро шу ерга доимий ишга жойланди. Янада қувонарлиси, муҳтожлар иш билан таъминланди. Ишчиларнинг барчаси Ижтимоий реестрда турувчи маҳалладошларимиз.

Ҳозирги кунда ҳар бир ишчи бажараётган меҳнатига яраша 2 миллион сўмдан 4 миллион сўмгача ҳақ олмоқда. Бу — 15 та оилага ҳар ой камида шунча барака киряпти, улар ўз кучи билан камбағалликдан чиқяпти, деганидир.

Камбағалликни қисқартириш аслида мана шундай кичик лойиҳаларнинг рўёбидан бошланади. Моддий ёрдам одамни вақтинчалик боқса, яратилган иш ўрни унинг келажагини таъминлайди. Тадбиркорлар кўпайса, ишсизлик тугашига ишонаман. Шу боис “Мен ҳам тадбиркор бўлай, иш ўрни яратай”, деган одамлар доим эътиборимда.

МУЛОҲАЗА

ҲИСОБЛАГИЧНИ НЕГА ИСТЕЪМОЛЧИ ЎЗ МАБЛАҒИГА ЎРНАТИШИ КЕРАК?



Энергетика тизимидаги ўзгаришлар ортидан “Ҳудудгазтаъминот” АЖ ва “Texnopark” МЧЖ масъулларининг ўзаро тил бириктириб, 19 миллиард сўмдан ортиқ бюджет маблағларини талон-торож қилгани ҳақидаги хабар жамиятда катта баҳс уйғотди. Ушбу жиноий иш фақатгина рақамлардаги ўғирлик эмас, балки йиллар давомида юз минглаб оддий истеъмолчилар дуч келаётган сунъий тўсиқлар ва сарсонгарчиликларнинг асл илдизини ошкор қилди.

Хайрулло АБДУРАҲМОНОВ.

“Аҳоли ва иқтисодиётни энергия ресурслари билан барқарор таъминлаш, нефть-газ тармоғини молиявий соғломлаштириш ва унинг бошқарув тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент қарорига кўра, газни ҳисобга олиш ускунаси ва унга боғлиқ харажатлар (ўрнатиш, олиб ташлаш, текшириш, таъмирлаш)ни газ таъминоти ташкилотлари қоплайди. Истеъмолчилар фақат унинг хавфсизлиги учун жавобгар бўлади.

Бироқ амалиётда минглаб фуқаролар узоқ вақт давомида уйига ҳисоблагич ўрната олмай сарсон. “Ҳудудгазтаъминот” АЖ ходимлари **“ҳисоблагич йўқ, Агар зарур бўлса, бозордан ўз маблағингизга сотиб олишингиз мумкин”,** деган жавобни қайтаришдан чарчамайди.

Сўзимиз қуруқ бўлмаслиги учун бир нечта туман бўлимлари билан боғландик. Жумладан, Чилонзор тумани масъул ходими Санжар Исмоиловнинг қайд этишича, бугунги кунда омборхонада бирорта ҳам ҳисоблагич йўқ. Ваҳоланки, туман бўйича 49 минг 220 нафар истеъмолчи хонадонига шундай ускуна ўрнатиш зарурати мавжуд.

— Бу муаммога ечим топиш учун расмий мурожаат йўллаганмиз, ***— дейди Санжар Исмоилов.*** *— Амалдаги қоидага кўра, “ақлли ҳисоблагичлар” барча тоифадаги истеъмолчиларга “Ҳудудгазтаъминот” АЖ ҳисобидан бепул ўрнатиб берилиши керак. Лекин “Республика истеъмолчиларини табиий ва суюлтирилган газ билан таъминлаш тизимининг самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Вазирлар Маҳкамаси қарори қабул қилинганидан кейин негадир “Texnopark” МЧЖ ҳисоблагич етказиб беришни тўхтатиб қўйди. Кимдан ёки қаердан сўрашни биз ҳам билмаймиз.*

Афсуски, пойтахтнинг барча туманларига тегишли бўлиб турган муаммо ҳақли саволларни туғдиради. Давлат аҳоли учун ажратган бепул ҳисоблагичлар қаерга кетмоқда? Агар улар ишлаб чиқарилаётган бўлса, нега сунъий тақчиллик яратилмоқда? Хўш, “ҳисоблагич йўқ”, дейилиши ортида қандай манфаат ётибди?

Муаммога ечим борми? Албатта, бор. Бунинг учун газ ҳисоблагичларини ўрнатиш тизимини тўлиқ рақамлаштириш, шаффоф навбат тизимини яратиш ва “Ҳудудгазтаъминот” АЖ ходимларининг истеъмолчига “ўз пулингга сотиб ол”, деган ноқонуний талабига бутунлай чек қўйиш керак.

ИШ БИЛГАНГА, БАЛЛИ!


АНОМАЛ ИССИҚДА КЎЧАТЛАРНИ ТЎҒРИ СУҒОРИШ МУҲИМ

Жазирама ёз кунларида кўпчилик иссиқдан қуриётган дарахт ва кўчатларни тезроқ қутқариш мақсадида кундузи, қуёш тиккага келган вақтда суғоришга шошилади. Бироқ, айнан мана шу энг катта ва хавфли хатодир.

Муҳиддин САЙФИЕВ,
Қишлоқ хўжалиги вазирлиги бошқарма бошлиғи.

Иққат ва алоҳида эътибор талаб қиладиган бу жараёнда нотўғри вақтда берилган сув ўсимликни асраб қолиш ўрнига илдизи ва баргларини қуйдириб, нобуд бўлишини тезлаштиради.

Жараёнда суғориш — шунчаки сув қуйиш эмас, балки маълум бир илмий ва амалий қоидаларга асосланган тизимдир. Тупроқдаги намликни узоқроқ сақлаш ва ўсимликларни иссиқдан ҳимоя қилиш учун кечки соат 20:00 дан эрталаб соат 05:00 гача суғориш энг маъқул вақт ҳисобланади. Чунки ҳаво салқин бўлгани сабабли сув кам буғланади ва илдизларга тўлиқ сингади.



Янги экилган кўчатлар соат 20:00-22:00 оралиғида камроқ, аммо тез-тез суғорилиши керак. Ёш дарахтлар ҳафтасига 2-3 марта чуқур ва мўл, катта дарахтлар 1-2 марта, кечки ёки тунги вақтда чуқур суғорилиши тавсия этилади.

Мутахассислар фикрига кўра, сувни илдизига йўналтиринг. Тупроқ намлигини узоқроқ сақлаш учун дарахт атрофини юмшатинг.

Соат 10:00 дан 17:00 гача кўчатларни суғориш қатъиян тақиқланади. Бу вақтда сув тез буғланиб, ўсимликка иссиқлик таъсирида жиддий зарар етади.

Ҳар бир ўсимлик ва тупроқ тури турлича намлик талаб қилади. Шу сабабли суғоришдан аввал тупроқ намлигини қўл билан текшириб, ўсимлик эҳтиёжидан келиб чиқиб иш тутиш мақсадга мувофиқ.



Саҳифани “Mahalla” мухбири Хайрулло АБДУРАҲМОНОВ тайёрлади.

МЕНДА САВОЛ БОР...

“ЎЗИМ БЕХАБАР ҲОЛДА МЕНИ ишга жойлаб қўйишган бўлса...”

Валижон НУРМАТОВ. Чортоқ тумани:

— Агар ўзимнинг хабарим бўлмаган ҳолда бирор ташкилотда ишчи сифатида расмийлаштириб қўйилган бўлсам, нима қилишим керак? Бундай вазиятда кимга мурожаат этиш белгиланган?



Аборбек ЭЪЗОЗХОНОВ, “Мадад” ННТ ҳуқуқшуноси:

— Бу каби муаммоли вазиятларга дуч келсангиз, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигининг (71) 200-06-00 Ишонч телефонига, ЯММТнинг (71) 200-70-30 Call-марказига, “@mehnatdaftariyordamchi_bot”га ҳамда Давлат меҳнат инспекциясига мурожаат қилишингиз мумкин.

“Ягона миллий меҳнат тизими” идоралараро дастурий-аппарат комплекси жорий қилинишини ва унинг ишлашини таъминлашга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги Вазирлар Маҳкамаси қарорига кўра, Давлат меҳнат ҳуқуқ инспекториниг хулоса хати асосида ушбу меҳнат фаолияти ҳақидаги маълумотлар тизимдан ўчирилади.



Ўзбекистонда боғчаларда ишлаётган педагоглар учун ДУАЛ ТАЪЛИМ ТАРТИБИ жорий этилиши мумкин.



Ўзбекистонда иссиқлик таъминоти тўловига ИЖТИМОИЙ МЕЪЁР ЖОРИЙ ЭТИШ таклиф қилинди.



Ўзбекистонда аҳоли ва бюджет ташкилотларига КЎМИР ЕТКАЗИШНИНГ ЯНГИ ТАРТИБИ жорий этилади.

“ХОТИН-ҚИЗЛАР ҚАДР-ҚИММАТИ — ШАЪН ВА ҒУРУР МАСАЛАСИДИР!”

ОҚИЛАЛИК — ОИЛА БЕЗАГИ

“БОРГАН ЖОЙИНГДА ТОШДЕК ҚОТГИН”, деган ўгит бизга қатъий ҳукм эди



Бутун умримни маҳаллага бағишладим. Сабаби, одамлар билан ишлаш, уларнинг қувончу ташвишларига ошно тутиниб яшашдан катта завқ туяман. Айниқса, оила ва хотин-қизлар масаласи ҳаётимнинг муҳим бўлагига айланган.

Маъсуда МАҲКАМОВА, Шайхонтоҳур туманидаги “Камолон” маҳалласи хотин-қизлар фаоли.







Бундан йигирма уч йил аввал ишни хонадонларни айланиш, аёллар билан суҳбатлашишдан бошлаганман. Йиғилган маълумотларнинг барчасини эринмай қоғозга туширардим. Оила вакиллари, уларнинг қизиқиш ва ўй-хаёллари қоралланган дафтарим ҳали ҳам менга қўл келади.

Хотин-қизлар билан гаплашишга мавзу жуда кўп. Биринчи навбатда, уларнинг яшаш шароитига эътибор қаратаман. Турмуш ўртоғи билан ўзаро муносабатлари ҳақида сўрайман. Қолаверса, фарзанд тарбиясидаги ёндашувларини таҳлил қиламиз. Ҳар қандай ҳолат ва шароитда ҳам опа-сингилларимизни ўқишга ундайман. Бу болалар келажаги ва оила фаровонлигида жуда муҳим эканини такрорлашдан чарчамайман.

Замон шиддат билан ривожланяпти. Шунга мос равишда одамларнинг қарашлари ва эҳтиёжлари ўзгариб боряпти. Айни ҳолат кунимизнинг энг долзарб масалаларидан бири бўлган — оилалар мустаҳкамлигини таъминлашга ҳам бевосита ўз таъсирини кўрсатяпти.

Мана, икки ойдан буён ажрашиш ёқасига келиб қолган бир оила билан ишлаяпмиз. Вазият жуда оғир. Ёши қирққа яқинлашиб қолган аёл турмуш ўртоғи ва тўрт нафар фарзандига хиёнат қилади. Барча сирлар фош бўлгач, ўртада катта жанжал кўтарилади. Гарчи ҳали сўнгги нуқта қўйилмаган бўлса-да, эркакнинг кечирим йўлини танлашига ишонмаяпмиз.

Аввалари бизга оналаримиз “борган жойингда тошдек қотгин”, деб уқтиришарди. Рўзғоримиздаги муаммоларни айтиб борсак, гапни бошқа томонга бурарди. **Мустаҳкам оила қуриш учун сув келса, симириб, тош келса, кемириб яшаш кераклигини тайинларди.** Ёшим олтмишга яқинлашиб, бу ўгитларнинг нақадар чуқур маъно касб этишини тушуниб етяпман.

Оила муроса ва ҳурматни қадрлайди. Келин оила аъзоларига қанчалик чиройли муносабатда бўлса, куни келиб, эъзоз ва эҳтиром топади. Лекин айрим аёллар “мен ўзим учун яшашим керак”, деган фикрда қотиб қолган. Бу кайфият билан оила мустаҳкамлигини таъминлаш жуда қийин.

Ҳозирги ёшларга айрим маслаҳатларим бор. Ҳаётга енгил қараманг, фақат ўзингизни ўйламанг. Қолаверса, телефонга муккангиздан кетиб эмас, меъёрида фойдаланинг. Ижтимоий тармоқлардаги сохта бахтларга ҳавасингиз кетиб, гўзал турмушингизга путур етказманг. Ҳаммаси ўз қўлингизда экани доим ёдингизда бўлсин. Қандай вазиятга тушишингиздан қатъи назар, одоб доирасидан чиқиб кетманг. Чиройли муомала билан барча чигалликларни бартараф этиш мумкинлиги ёдингиздан чиқмасин.

НОЗИК ЖУССАДАГИ НОДИР ФАЗИЛАТ

“МУНЧОҚЛИ”НИНГ МОҲИР ҚЎЛ ЭГАЛАРИ

Шуманай туманининг “Мунчоқли” маҳалласида истиқомат қиладиган Олтиной Наўбетова ташаббуси билан ташкил этилган “Касаначи ва ҳунармандлар мактаби”да қўй ва туя жуни, шунингдек, ипак ҳамда шойи матолардан миллий ҳунармандчилик буюмлари тайёрланади.



Довуд АБИБУЛЛАЕВ, журналист.

Тажрибали ҳунарманд ўз шогирдлари билан биргаликда махси, бош кийимлар, ипак ва шойи матолардан рўмол, нимчалар тайёрлаб, уларнинг сотувини йўлга қўйган. Маҳсулотларнинг миллий анъаналар ва замонавий дизайн уйғунлигида яратилаётгани уларга бўлган талабни янада оширмоқда.

Айниқса, мазкур ҳунармандлар мактабининг ижтимоий аҳамияти эътиборга молик. Бугунги кунда бу ерда 15 нафар хотин-қиз доимий иш ўрни билан таъминланган бўлиб, уларнинг ўртача ойлик даромади 3-3,5 миллион сўмни ташкил этмоқда.

Бу эса маҳаллада хотин-қизлар бандлигини таъминлаш, уларнинг иқтисодий фаоллигини ошириш ва оилавий фаровонликни мустаҳкамлашда ҳунармандчиликнинг ўрни беқиёс эканини яна бир бор намоён этмоқда.

МУШОҲАДА

Турмуш ташвишлари, рўзғордаги арзимас баҳона сабаб эр-хотин ўртасида юзага келган келишмовчиликка кўпчилик аралашмайди. “Ҳа, энди рўзғор бўлгандан кейин тортишади-да” ёки “Эр-хотиннинг уруши — дока рўмолнинг қуриши”, қабилида бундай вазиятни оқлайдиганлар кўп.

Шаҳноза РАҲИМХЎЖАЕВА, “Mahalla” мухбири.

Аммо бу жанжалларни жимгина кузатиб турган қора кўзлар, катталарнинг “қилиғи”дан озорланаётган жажжи юраклар-чи? “Боланинг олдида жанжал қилиб бўлмайди, тарбияси бузилади”, деган ҳақиқатни барчамиз яхши биламиз. Лекин бунга қанчалик амал қиляпмиз?

ЖИНОЯТ ИЛДИЗИ ОИЛАДАМИ?

Гўдак ниҳоятда тақлидчи бўлади. У оиладаги катталарнинг барча ижобий ва салбий хатти-ҳаракатларини зийраклик билан кузатади. Турмуш ташвишлари, рўзғор икир-чикирлари билан бўлиб, буни эътибордан четда қолдирамиз.

ОИЛАДАГИ ЖАНЖАЛДАН ФАРЗАНД ЖАБР КЎРАДИ



Оиладаги можаролар эса болани руҳан тажанг қилади, уйдан бездиради. Қолаверса, ота-онага нисбатан ҳурмати пасаяди. Олимларнинг тадқиқотларига кўра, балоғатга етмаган жиноятчиларнинг 61 фоизини носоғлом муҳитда вояга етаётган болалар ташкил этади.

Инсон умри давомида оладиган барча маълумотларининг 70 фоизини 5 ёшгача бўлган даврда қабул қилар экан. Айнан шу палла унинг қалбида оиладаги муҳит таъсирида маънавиятнинг илк куртаклари намоён бўла бошлайди.

Биз ота-оналар фарзандимиз бировдан кам бўлмасин, деб тун-кун ишлаймиз, яхши едирамиз, кийинтирамиз, қимматбаҳо буюмлар олиб берамиз. Бетоб бўлса, мижжа қоқмай, унга ғамхўрлик қиламиз. **Лекин руҳий ҳолатига зарба берадиган жанжаллардан ўзимизни тия олмаймиз.**

— Жанжал кўп бўладиган оиланинг фарзандлари қўрқоқ, журъатсиз, ўз фикрини эркин билдира олмайдиган ёки аксинча, ёлғончи ва тажовузкор бўлади, ***— дейди Олмазор туманидаги 11-мактаб ўқитувчиси Наргиза Холдорова.*** *— Дарсларни яхши ўзлаштира олмайдиган, тарбияси оғир ўқувчилар билан суҳбатлашганимда, уларнинг оиласида соғлом муҳитнинг йўқлини аён бўлади. Биз буни ота-оналарга ҳам тушунтирамиз. Баъзилари, ҳатто, ўз айбини тан олмайди. Гўёки боланинг тарбиясига фақат мактабдаги устозлари масъулдек.*

Айрим ёш эр-хотинлар “ҳали болам ёш-ку”, деб улар олдида бемалол бир-бирининг айбларини муҳокама қилишади. Гўдак кичик бўлса-да, ҳамма нарсани тушунади. Жанжаллар оқибатида ёш болада қўрқув, йиғлоқилик, тажанглик ҳолатлари пайдо бўлади. Охир-оқибат у ўсмир ёшга етганда, ўзининг салбий натижасини кўрсатади: атрофдагиларга нисбатан тажовузкор бўлиб қолади. Ота-онани ҳам, бошқаларни ҳам ҳурмат қилмайдиган , маданиятсиз бир кимсага айланади.

ҲАММАСИ ЎЗ ҚЎЛИМИЗДА

Низолар нафақат боланинг руҳиятига, балки унинг саломатлигига ҳам салбий таъсир кўрсатади. Айримлардаги бош оғриқ, кўзни тез-тез пирпиратиш, кўриш қобилиятининг пастлиги, кўнгил айниши, юракнинг тез уриши, оғир неврологик касалликлар оиладаги носоғлом муҳит таъсирида юзага келади.

Бир танишим бор — Муқаддас Шарипова. Оиласи барчага ўрнак бўлгулик. Фарзандлари тарбияли, оқил, бир-бирига меҳрибон, каттани ҳурмат, кичикни иззат қиладиган, қатъиятли бўлиб вояга етяпти. Буларнинг бари оилада соғлом муҳитнинг мавжудлиги ва онанинг оқилалигидандир.

Бола тарбияси борасидаги қоидаларни кўздан кечирар эканман, бир банди эътиборимни тортди: “Болани севинг ва иззат қилинг”. Эътибор берсангиз, аксарият ёш ота-она катталар олдида ўзларини жанжалдан тийишади. Нима учун? Катталарга бўлган ҳурмат юзасидан! Бола-чи? У иззатга арзимайдими? Агар шу қоидага амал қилганимизда, қанча-қанча хунук ҳолатларнинг олди олинган бўлармиди?..

Ҳамма ҳам фарзандининг келажакда буюк инсон, олим, спортчи, санъаткор, қисқаси, яхши одам бўлишини хоҳлайди. Унинг пок қалби меҳрни, қувончни туйса, қулоқлари яхши сўзни эшитса, кўзлари эса тарбияли, маънавияти юксак инсонларни кўрса, бу орзулар, албатта, амалга ошади.



Саҳифани “Mahalla” мухбири Шаҳноза РАҲИМХЎЖАЕВА тайёрлади.



Ногиронлиги бўлган болалар ўқиётган нодавлат мактабларга ҲАР БИР ЎҚУВЧИ УЧУН СУБСИДИЯ БЕРИЛАДИ.



Бухорода БОЛАЛАРНИ МАКТАБГА ЮБОРМАЙ, ноқонуний ҳужрага берган ота-оналар жазоланди.



Ўзбекистонда давлат ва нодавлат таълим муассасалари учун ЯГОНА ХАВФСИЗЛИК ТАЛАБЛАРИ тасдиқланди.

“ИСТЕЪДОДЛИ ЎҒИЛ-ҚИЗЛАР — ЭЛ-ЮРТИМИЗНИНГ ФАХРИ!”



ЕТАКЧИ — ЁШЛАРГА КЎМАКЧИ

БИР ҚАДАМ ОЛДИНДА ЮРГАНГА ҚОЛГАНЛАР ЭРГАШАДИ



Бугун ёшлар билан ишлаш фақатгина вазифа эмас, балки юксак масъулиятдир. Бу йўлда билимнинг ўзи кифоя қилмайди. Ёшларнинг қалбига йўл топиш учун ғайрат, шижоат ва уларнинг орзу-мақсадларини ҳис қила оладиган қалб керак.

Миратдин САРИБАЕВ, Чимбой туманидаги “Қоракўл” маҳалласи ёшлар етакчиси.

Бугунги йигит-қизлар кечагидек эмас — улар изланади, савол беради, янгиликка интилади. Шундай экан, ёшлар етакчиси ҳам доимо улардан бир қадам олдинда юриши, йўл кўрсатувчи машъалага айланиши лозим. Карвон манзилга йўлбошчисиз етиб бормаганидек, катта мақсадлар сари интилаётган ёшларга ҳам тўғри йўлни кўрсата оладиган инсон керак.

Ана шу ишонч ва масъулият билан маҳалламизда ёшлар учун имкониятларни бир нуқтага жамлашга ҳаракат қилдик. Бугун бу ерда ҳар бир йигит-қиз ўз қизиқиши ва иқтидорини намоён этиши учун зарур муҳит шаклланган. Кимдир хорижий тилларни ўрганмоқчи, кимдир аниқ фанларни чуқурлаштирмоқчи, яна бири ҳунар ёки санъат орқали ўз йўлини топмоқчи бўлса, барчаси учун имконият мавжуд.

Бу имкониятлар ўз самарасини бераётганини ёшларнинг ютуқларида яққол кўриш мумкин. Масалан, Акбар Султонов опера санъати йўналишида республика танловларида муносиб иштирок этиб, ўз истеъдодини намоён қилмоқда. Миллий дутор садоларига меҳр қўйган ёшларимиз эса халқимиз куйларини юракдан ижро этиб, миллий меросимизнинг жозибасини тенгдошлари орасида янада кенг тарқатяпти.

Маҳалламизда ҳунармандчилик ҳам ривожланган. Бу ерда ёшлар миллий каштачилик, заргарлик, наққошлик каби ноёб ҳунарларни устозлар қўлида ўрганиб, уларга янги нафас бағишламоқда. Йигитлар ўтовсозлик сирларини пухта эгаллаётган бўлса, қизларимиз миллий нақшлар билан безатилган ёпинчиқлар, дўппилар ва қўл меҳнати билан яратилган бежирим буюмлар орқали ўз маҳоратини намоён этаётир.

Мисол учун, Азиз Ниязимбетов ва Руслан Жанабоевнинг ўтовсозликдаги маҳорати, Сададдин Назаров, Асқар Тожимуратов ҳамда Зуҳрат Пўлатовнинг заргарликдаги изланишлари нафақат миллий қадриятларни асрашга, балки ёшларни касб эгаллашга ундамоқда. Бу меҳнатнинг иқтисодий самараси ҳам салмоқли бўлиб, тайёрланаётган маҳсулотлар оилалар фаровонлигига муносиб ҳисса қўшяпти.

Замонавий билимларни эгаллаш ҳам ёшларимиз ҳаётининг ажралмас қисмига айланди. Айни пайтда маҳалламизда ахборот технологиялари, медиа ва мобилография соҳаларига қизиқиш тобора ортиб бормоқда.


Ёшлар яратилган имкониятлардан унумли фойдаланиб, имтиёзли кредитлар асосида ўз лойиҳаларини йўлга қўймоқда, янги иш ўринларини яратиб, тенгдошларига ҳам билим улашяпти. Улар ташкил этаётган дастурлаш ва тил ўқув курслари маҳалламизда билим муҳитини янада мустаҳкамлади.



Мен учун энг катта ютуқ — маҳалламизда ёшларнинг ўз келажагини шу ернинг ўзида қуришга бўлган ишончи мустаҳкамланаётганидир. *Улар миллий қадриятларга таяниб, замонавий билимлар билан қадам ташлаётир. Ана шу уйғунлик маҳалламизнинг энг катта бойлиги, эртанги тараққиётимизнинг эса энг ишончли пойдеворидир.*

ДОЛЗАРБ МАВЗУ

БИР ЛАҲЗАЛИК ХАТО — БИР УМРЛИК ПУШАЙМОН



Шаҳноза ХАЛИЛОВА.

Бир вақтлар маҳаллада кечқурун болаларнинг тўп тепаётган овози эшитиларди. Бугун эса катта шаҳарлардаги кўп хонадонларда ота-оналарни бошқа бир хавотир безовта қилади. “Болам ким билан юрибди?”, “Қўлидаги таблетка дори эмасмикан?”, деган саволлар тобора кўпроқ қулоққа чалиниб қолмоқда.

Бу хавотир бежиз эмас. Чунки кучли таъсир қилувчи таблеткалар ва синтетик гиёҳванд моддаларга қизиқиш энди фақат катталар муаммоси бўлмай қолди. Энг оғир жиҳати, бу иллатнинг сояси мактаб остонасигача етиб келди. **Бир қарашда арзимасдек туюлган бир дона таблетка баъзан ёш умрнинг энг оғир хатосига айланади.**

Бу муаммо кеча ёки бугун пайдо бўлгани йўқ. Аммо сўнгги йилларда унинг кўлами кенгайиб, ёши тобора кичиклашиб бораётгани хавотир уйғотади. Энди мактаб ўқувчилари ҳам бу хавф доирасига тушиб қолаётгани ачинарли ҳолдир.

Президентимиз раислигида 2026 йил 27 январь куни ўтказилган видеоселектор йиғилишида келтирилган маълумотларга кўра, **2025 йилда фақат Тошкент шаҳрининг ўзида 1,5 мингдан ортиқ гиёҳвандликка ружу қўйган шахс расман рўйхатга олинган. Мутахассислар эса рўйхатга тушмаган ҳолатлар бундан ҳам кўплигини, уларнинг асосий қисми ёшлар эканини таъкидламоқда.** Шу йиғилишда яна бир жиддий рақам айтилди: айрим ёшлар наркотик моддалар учун ойига ўртача **20-25 миллион сўм** сарфлаяпти.

Энг ачинарлиси, бугун наркотик моддаларни топиш аввалгидек қийин эмас. Интернет, ижтимоий тармоқлар, мессенжерлар орқали “осон пул” таклифлари билан ёшлар гиёҳвандлик савдосига жалб қилинмоқда. Аввал “курьер” сифатида бошланган иш, кўп ҳолларда истеъмолчига айланиш билан якунланади.

Хўш, нима учун айнан мактаб ёшидаги болалар бундай хавфга тезроқ мойил бўлмоқда?

Биринчидан, *бу ёшда қизиқувчанлик юқори бўлади. “Бир марта синаб кўрсам нима бўлади?”, деган ўй кўплаб фожиаларнинг биринчи қадамига айланади.*

Иккинчидан, *тенгдошлар таъсири жуда кучли. Ўсмирлар ўзини даврадан четда қолгандай ҳис қилмаслик учун баъзан хатарли таклифларга ҳам рози бўлади.*

Учинчидан, *рақамли олам. Бугунги бола кўчанинг эмас, телефон экранининг тарбиясини ҳам оляпти. Қисқа видеолар, ёлғон реклама ва “замонавий ҳаёт” ниқоби остида тарқатилаётган зарарли контент ёш онгини алдаши мумкин.*

Тўртинчидан, *оиладаги мулоқотнинг камайиши. Боланинг қўлидаги телефонни кўрамиз, аммо қалбидаги саволларни эшитмаймиз. Унинг дардини интернет эмас, ота-она тинглаши керак.*

Илмий тадқиқотларда 2022-2024 йиллар оралиғида рўйхатга олинган синтетик моддалар билан боғлиқ ҳолатлар қарийб икки баробар ошгани, энг катта хавф гуруҳини 18-34 ёшдагилар ташкил этиши қайд этилган. Шунингдек, янги психофаол моддаларнинг интернет орқали тарқалиши ва улар ҳақидаги хабардорликнинг пастлиги асосий омиллардан бири сифатида кўрсатилган.


Муаммонинг ечими фақат жазода эмас. Энг кучли қурол — эрта профилактика. Мактаб, маҳалла ва оила биргаликда ҳаракат қилмаса, кеч қолишимиз мумкин. **Болани назорат қилиш эмас, уни тушуниш; таъқиқлаш эмас, ишонтириш; қўрқитиш эмас, мақсад сари етаклаш** бугуннинг энг муҳим вазифасига айланмоқда.

Ёшларга бўш вақт эмас, мазмунли ҳаёт керак. Спорт майдонлари, китобхонлик муҳити, касб-ҳунар, ахборот технологиялари ва санъат тўгараклари — буларнинг барчаси наркотикка қарши энг кучли қалқондир. Чунки орзуси бор ёшнинг қўли таблеткага эмас, келажагига чўзилади.

ИМКОНИЯТ

КИМЛАР ЎЗБЕКИСТОН БЎЙЛАБ БЕПУЛ САЁҲАТ ҚИЛАДИ?

Яхши ўқиш ёки спортда юқори натижа кўрсатган ўқувчи-ёшлар энди нафақат медаль ва диплом, балки Ўзбекистон бўйлаб бепул саёҳат билан ҳам рағбатлантирилади.



Вазирлар Маҳкамаси қарори билан тасдиқланган “Таълим ва спорт йўналишлари бўйича ўтказиладиган фан олимпиадаси ва спорт мусобақаси ғолибларини “Ўзбекистон бўйлаб саёҳат” йўлланмасини тақдим этиш орқали рағбатлантириш тартиби тўғрисида”ги Низомга кўра, республика босқичида ғолиб бўлган ўқувчи-ёшлар 3 кунлик саёҳат қилади. Вилоят босқичи ғолиблари эса 2 кунлик саёҳат қилиш имкониятига эга бўлади.

Энг муҳими, йўл харажатлари, яшаш, овқатланиш, экскурсиялар, гид хизмати, туризм объектларига кириш чипталари ҳамда саёҳат суғуртаси ташкилотчилар ҳисобидан қопланади.

СЎРАГАН ЭДИНГИЗ...

ГРАНТ УЧУН БАЛЛ қандай ҳисобланади?

Санобар ҲАЙИТОВА. Сурхондарё вилояти:

— Мен ҳозир 4-босқич талабасиман. Биринчи ва иккинчи босқичларда ўртача ўзлаштириш кўрсаткичим унчалик юқори бўлмаган, аммо охирги ўқув йилида барча фанларни яхши ўқиб, баллни оширдим. Грант тақсимотида мана шу балл ҳисобга олинадими?



Элмурод САЛИМОВ, ҳуқуқшунос, адвокат:

— Грантларни қайта тақсимлашда талабанинг жорий (муайян) ўқув йили бўйича ўртача ўзлаштириш кўрсаткичи асос қилиб олинади. Хусусан, бунинг учун кўрсаткичингиз камида 3,5 балл бўлиши талаб этилади. Шу боис грант тақсимотида сизнинг бутун ўқиш давридаги умумий кўрсаткичингиз эмас, айнан жорий ўқув йилида эришган ўзлаштириш натижаларингиз инобатга олинади.

Эътибор беринг, грантларни қайта тақсимлаш ва курсдан курсга ўтказиш тартиби бир-биридан фарқ қилади. Курсдан курсга ўтказишда бутун таълим дастури давомида шаклланган умумий натижа ҳисобга олинади, грант тақсимотида эса фақат жорий ўқув йилидаги кўрсаткич асос бўлади.



Саҳифани “Mahalla” мухбири Шаҳноза ХАЛИЛОВА тайёрлади.



Ногиронлиги бўлган шахсларга КИРИШ ВА СЕРТИФИКАТ ИМТИҲОНЛАРИДА қўшимча вақт, Брайл алифбоси, сурдотаржимон, ассистент имконияти яратилади.



Ўн бир тоифадаги фуқароларга ҲАВО, ТЕМИРЙЎЛ ВА ШАҲАРЛАРАРО ТРАНСПОРТДА бепул юриш ёки 50 фоизлик чегирма берилади.



Кўзи ожиз педагогларга, шунингдек, махсус мактабларнинг бошланғич синфларига ШАХСИЙ АССИСТЕНТ ВА ЁРДАМЧИ ХОДИМЛАР ажратилади.

“МАҲАЛЛА — ИЖТИМОИЙ БИРДАМЛИК МАНБАИДИР!”

БУХОРО



Инсон қадри меҳр ва ЭЪТИБОР БИЛАН ЮКСАК

Ижтимоий ходим сифатида фаолият юритар эканман, турли тақдир эгалари билан мулоқот қилиш, уларнинг дарду ташвишларига шерик бўлиш имконига эгаман. Ҳамманинг ўзига хос феъл-атвори, қарашлари бор. Шу боис доим одамларнинг кўнглига қарайман.

Салоҳиддин БАҲРИДДИНОВ,
Жондор туманидаги “Қозикент” маҳалласи ижтимоий ходими.

Ширинсуханлик билан дардларига малҳам бўлишга ҳаракат қиламан. Гарчи муаммосини бир кун ичида ҳал қилиб бера олмасам-да, ҳеч қачон эътиборсиз қолдирмайман. Қанча кўп вақт талаб қилишидан қатъи назар, охирига етказаман.

Бугунги кунда маҳалламизда **80 нафар ногиронлиги бўлган шахс истиқомат қилади.** Шундан 4 нафари адаптив спорт турларига жалб этилган, 14 нафарининг бандлиги таъминланган. Шунингдек, 33 нафар эҳтиёжманд фуқарога протез-ортопедия мосламалари ҳамда реабилитация қилишнинг техник воситалари тақдим этилди. “Фаол ҳаётга қадам” дастури доирасида 5 нафар ўзгалар парваришига муҳтож фуқаро уйда ижтимоий-маиший хизмат билан қамраб олинган.

Ана шундай фуқаролардан бири Тамара Зулфикорова бўлиб, у синглиси Норгул Бобоева билан бирга яшайди. Фуқаро ёлғиз яшовчи кексалар рўйхатига киритилиб, унга зарур ижтимоий хизматлар кўрсатиб келинмоқда.

Жумладан, Тамара опага санаторийга йўлланма ажратилди, тиббий кўрикдан ўтказилди, бепул дори-дармонлар билан таъминланди ҳамда моддий ёрдам кўрсатилди. Шунингдек, “Фаол ҳаётга қадам” дастури доирасида уйда ижтимоий-маиший хизмат йўлга қўйилди. Куз-қиш мавсуми ва Рамазон ҳайити муносабати билан бир марталик моддий ёрдам ажратилди, доимий компенсация тўловлари бериб келиняпти. Бундан ташқари, ҳомийлар кўмагида оилага қуёш панели ўрнатиб берилди, бу эса уларнинг турмуш шароитини янада яхшилашга хизмат қилмоқда.

ФАОЛ ҲАЁТГА ҚАДАМ

Ижтимоий ходимлик нафақат хизмат кўрсатиш, балки инсон дардини тинглаш, унинг муаммосига ечим топиш ва ҳаётида ижобий ўзгариш қилишдек юксак масъулиятни талаб этади.

Ҳар бир хонадонга кириб бориш, фуқароларнинг эҳтиёжини ўрганиш ва уларга мос ижтимоий хизматларни ташкил этиш орқали одамларнинг давлатга бўлган ишончини мустаҳкамлаш жуда муҳим.

Бугунги кунда ногиронлиги бўлган шахсларнинг бандлиги таъминланаётгани, уларнинг спорт ва ижтимоий ҳаётга жалб қилинаётгани, ёлғиз кексалар ҳамда парваришга муҳтож фуқароларнинг доимий эътиборда экани “еттилик” ходимларининг ўзаро ҳамжиҳатлигини яна бир бор исботлайди.

Ҳудудимизда амалга оширилаётган бу каби эзгу ишлар орқали аҳолининг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш, эҳтиёжманд фуқароларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ҳамда уларнинг ҳаёт сифатини яхшилашни мақсад қилганмиз. Зеро, инсон қадри унинг муаммоларига бефарқ бўлмаслик, амалий ёрдам кўрсатиш ва ҳар бир фуқарога меҳр-эътибор билан ёндашиш орқали юксалади.

БИЗДАН ФАҚАТ МЕҲР ҚОЛАДИ...

МУНОСИБ ҲАЁТ УЧУН МАНЗИЛЛИ КЎМАК

Нишон туманининг “Пахтаобод” маҳалласида 2024 йилнинг апрель ойидан буён ижтимоий ходим сифатида фаолият юритаётган Нигора Сафарова маҳалладаги аҳолининг ижтимоий муаммоларини ҳал этиш, эҳтиёжманд оилаларга манзилли хизмат кўрсатиш билан шуғулланиб келмоқда.



Ўлмас БАРОТОВ,
журналист.

5,5 минг нафардан ортиқ аҳоли истиқомат қиладиган, учта қишлоқни ўз ичига олган маҳаллада ўтган давр мобайнида 86 та оила бўйича “ижтимоий иш” очилиб, ҳар бири учун индивидуал режалар ишлаб чиқилди ҳамда шу асосда хизмат кўрсатиляпти.

Шулардан бири — I гуруҳ ногиронлиги бўлган 41 ёшли Хурсаной Турдиевага кўрсатилган амалий ёрдамдир. Ижтимоий ходим фуқаронинг яшаш шароитини ўрганиб, унинг эркин ҳаракатланиши учун сайрга мўлжалланган ногиронлик аравачаси ажратди. Шунингдек, “Саховат ва кўмак” жамғармаси орқали озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб берилди.

Бундан ташқари, “Фаол ҳаётга қадам” дастури доирасида фуқаро уйда парваришлаш хизмати билан қамраб олиниб, келини қаровчи сифатида бириктирилди. Айни пайтда унга ҳам белгиланган тартибда моддий кўмак кўрсатилмоқда.

МУҲОКАМА УЧУН МАВЗУ

Эшик олдида жимгина ўтирган етти ёшли бола ҳар келган одамга бир умид билан қararди. Гўё ҳозир эшикдан онаси кириб келади, уни бағрига босади. Аммо кунлар ўтар, эшик очилар, онаси эмас, бошқа одамлар кириб келарди...



Гўдаклар кўнглидаги изтироб НЕГА ЭЪТИБОРСИЗ ҚОЛЯПТИ?

Шаҳноза РАҲИМХЎЖАЕВА.

— “Онам мени олиб кетишга келадими?” — деди у паст овозда.

Бу саволга ҳеч ким дарҳол жавоб қайтара олмади.

Ачинарлиси, бу гўдак етим эмас, унинг ота-онаси тирик. Фақат улар пул топиш илинжида, фарзандини бошқа бир оилага қолдириб кетган. Қонун нуқтаи назаридан бу васийлик бўлиши мумкин. Аммо бола қалби учун ташлаб кетилиш, меҳрдан маҳрумлик ва оғир руҳий жароҳатдир.

Сўнгги йилларда васийлик ва ҳомийлик орқали минглаб болалар оила муҳитида тарбияланмоқда. Бу, албатта, инсонпарвар тизим. Бироқ айни имкониятдан айрим ота-оналар ўз масъулиятидан қочиш воситаси сифатида фойдаланиши ҳам учраб турибди. Моддий қийинчилик, оилавий келишмовчилик ёки чет элга ишлаш учун кетиш каби баҳоналар билан фарзандини қариндошлари ёки бошқа шахсларга қолдириш ҳолатларидан фақат кишининг қалби эзилади.

Бироқ бир савол ҳаммамизни мулоҳазага чорлайди: **боланинг энг катта эҳтиёжи нима?** Озиқ-овқат, янги кийим ёки меҳр ва ота-она қучоғими?

Мутахассисларнинг таъкидлашича, бола учун энг оғир азоб — ўзини кераксиз ҳис қилишдир. Ота-она тирик бўла туриб, уларнинг меҳридан маҳрум бўлиш баъзан ҳақиқий етимликдан ҳам оғир кечади. Чунки у ҳар куни: “Нега мени ташлаб кетишди?”, деган савол билан яшайди.

— Васийликка қолдириб кетилган болалар билан кўп ишлаганман, ***— дейди Бухоро шаҳар “Инсон” ижтимоий хизматлар маркази психологи Мунис Чориева.*** *— Кўпинча улар билан биринчи суҳбат қутилгандек натижа бермайди. Ўзини яқинлари эътиборидан четда ҳис қилиши сабаб, жуда тортинчоқ ва тушкун бўлиб қолишган. Болаларнинг баъзилари кўнглидаги кечинмаларни бошқаларга айтишни хоҳламайди. Натижада уларда ҳиссий зўриқиш юзага келади.*

Фаолиятим давомида бундай ҳолатларга жуда кўп дуч келаман. Хусусан, бир ойдан буён 15 ёшли қизча билан ишлаяпман. Она пул топиш мақсадида хорижга кетгани боис уни бувисига қолдиради. Ёши улуғ онахон набираси учун барча шароитларни муҳайё қилиб беради. Ортиқча тергаб, юриш-туришини назоратга олмайди. Қисқа вақт ичида қизнинг тарбиясида ўзгаришлар юзага келади. Бувисининг йўл-йўриғига юрмай қўяди. Онаси бундан хабар топиб, тезда ортига қайтади. Қизини қабулимизга олиб келиб, ёрдам беришимизни сўради.

Ўрганишларимиз натижасида қизалоқнинг иқтидори намоён бўла бошлади. У спортнинг футбол турига жуда қизиқар экан. Хорижий тилларни ҳам яхши ўрганган. Биз қўшимча равишда уни зардўлик тўгарагига жалб қилдик. Вазият секин-аста ўнгланяпти. Умид қиламизки, яна икки-уч ой ичида бу қизда ҳаётга ижобий қарашни шакллантирамиз.

Ён-веримизда бундай мисоллар жуда кўплаб топилади. Кекса бобо-бувиларга қолдириб кетилган гўдаклар кўнглидаги изтироблар эса кўпинча эътибордан четда қолиб кетади. Уларга қараётган яқинлари овқатини тайёрлаб бериши, уст-бошини тоза тутиши мумкин, лекин онасидек дилдан суҳбат қурмайди. Отасидек бағрига босиб, меҳр бера олмайди.

Болани васийликка олган инсон катта савобга эришиши мумкин. Аммо ўз зиммасига жуда катта масъулият олади. Чунки **гўдакларга уй эмас, оила, кийим эмас, меҳр, таъминот эмас, ишонч керак.** У ўзини бу хонадоннинг меҳмони эмас, фарзанди сифатида ҳис қилгандагина, унинг юрагидаги оғриқ ўрнини бахт ҳисси эгаллайди.

Эртанги кун қандай бўлиши бугун болаларга кўрсатаётган муносабатимизга боғлиқ. Агар ҳар бир норасида ўзини ҳимояланган, қадрланган ва севилган, деб ҳис қилса, эртага меҳрибон, масъулиятли ва ватанпарвар авлод камол топади.



Саҳифани “Mahalla” мухбири Шаҳноза РАҲИМХЎЖАЕВА тайёрлади.

МЕНДА САВОЛ БОР...

Мукаррам ЖАЛИЛОВА. Наманган вилояти:

— Яқинда “Эрта аралашув” хизмати ҳақида эшитиб қолдим. Унга кимлар қабул қилинади? Ногиронлиги бўлган болалар соғлиғини тиклашда бу қанчалик самара беради?

“Эрта аралашув” хизмати кимларга кўрсатилади?



Ойбек УМАРОВ,
Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги Наманган вилояти бошқармаси шўъба мудири:

— “Эрта аралашув” хизмати, бу — туғма ногиронлиги бўлган ёки ривожланишида кечикиш ва нуқсонлар кузатилаётган 3 ёшгача бўлган болалар учун кўрсатиладиган умумий ижтимоий-ривожлантирувчи хизматдир.


Хизматга кимлар қабул қилинади?

✓ 0-1 ёшли болалар — туғма оғир ташхис билан туғилиб, Тиббий-ижтимоий эксперт комиссияси тўғридан-тўғри ногиронлик белгилаган бўлса;

✓ 1 ёшгача бўлган болалар — оилавий шифокор хулосасига кўра, ривожланишда кечикиш хавфи аниқланганда;

✓ 1 ёшдан 3 ёшгача бўлган болалар — Психологик-тиббий-педагогик комиссия хулосасига кўра, ривожланишда кечикиш хавфи мавжуд деб топилганда.

Машғулотларни психолог, дефектолог, логопед каби соҳавий мутахассислар олиб боришади.



Сохта чеклар ортидан 96 мингдан ортиқ киши ШУБҲАЛИ ХАРИДОРЛАР РЕЕСТРИГА киритилди.



Ўзбекистонда 7 августдан УЙ ҲАЙВОНЛАРИНИ РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИШ бошланади.



Ўзбекистонда газ етиб бормаган ҳудудларда ЭЛЕКТР УЧУН ИМТИЁЗЛИ ТАРИФ жорий қилиниши мумкин.

2026 ЙИЛ
5 АВГУСТ,
ЧОРШАНБА

Mahalla №62

7

“ҲАЛОЛ МЕҲНАТ — ХОТИРЖАМ ҲАЁТ ВА ФАРОВОН ЖАМИЯТ ГАРОВИ”



“КЕЙИНРОҚ” ДЕГАН СЎЗ БАЪЗАН МИЖОЗНИ ҲАМ, даромадни ҳам йўқотади...

“Қовунчи” маҳалласида олиб борилган ўрганишлар давомида шундай ҳолатлар бир нечта учради. 12 нафар тадбиркор онлайн назорат-касса машинаси ва тўлов терминалисиз фаолият юритаётгани, 9 та савдо шохобчасида QR-код мавжуд эмаслиги, 7 нафар фуқаро эса давлат рўйхатидан ўтмасдан тадбиркорлик қилаётгани аниқланди.

Ҳар куни ишни одамларнинг дарди билан бошлаймиз. Маҳаллалардан бирига навбатдаги ўрганишга чиққан кунимиз ҳам шундай бўлди. Кимдир ҳужжатини кўтариб кутиб турибди, кимдир янги дўкон очган, яна кимдир “ҳаммаси жойида”, деб ўйлайди. Аслида эса айрим муаммолар ташқаридан кўрингандек оддий эмас.

Мусақул НИЗОМОВ,
Қўшработ туманидаги “Хонназар”, “Чорлоқ”, “Тоз” ва “Қовунчи” маҳаллалари солиқ инспектори.



Маҳалланинг чеккароқ кўчасидаги кичик озиқ-овқат дўконига кирганимизда, харидорлардан бири телефонини чиқариб, QR-код сўради. Дўкон эгаси Шавкат ака эса елкасини қисди: *“Ҳозирча QR-код ҳам, терминал ҳам йўқ, пулни нақд берсангиз бўлади”*...

Шу пайт харидорнинг юзи ўзгарди. Ҳамёнида нақд пул йўқ. Картасида пул бор, лекин тўлай олмайди. Бир бурда нон билан сут олиш учун ҳам бошқа дўконга юришга мажбур бўлди. Дўкон эгаси билан суҳбатлашганимизда, у буни қонунни четлаб ўтиш учун эмас, янги очилган дўкон бўлгани учун “кейинроқ ўрнатаман”, деган ўй билан ортга суриб келгани айтди. Аммо тадбиркорликда “кейинроқ” деган сўз баъзан мижозни ҳам, даромадни ҳам йўқотади.


Шу маҳаллада яна бир ҳолат эътиборимизни тортди. Нигора Расулова уйининг олдида қандолат маҳсулотлари сотаётган экан. Суҳбат давомида маълум бўлдики, у анчадан бери савдо қилади, аммо ҳали давлат рўйхатидан ўтмаган. Сабабини сўраганимизда: *“Ҳужжат ишлари қийин бўлса керак, деб юравердим”*, — деди.

Аслида, у ўйлагандек мураккаб эмас эди. Керакли тартибларни бирма-бир тушунтирдик. Рўйхатдан ўтишнинг афзалликларини айтдик. Ахир бугун норасмий ишлаш осон туюлиши мумкин, аммо эртага бирор муаммо чиқса, ҳимоясиз қоладиган ҳам ўзи бўлади.

Бизнинг мақсадимиз жарима ёзиш эмас, аввало, муаммонинг сабабини топиш ва уни бартараф этишдир. Шу боис ҳар бир тадбиркор билан алоҳида суҳбатлашилди, қонунчилик талаблари оддий тилда тушунтирилди, амалий ёрдам кўрсатилди. Натижа эса кўп кутдирмади. Барча савдо объекти онлайн назорат-касса машинаси ва тўлов терминали билан жиҳозланди. 6 та объектга QR-код ўрнатилди. Давлат рўйхатидан ўтмасдан фаолият юритаётган 7 нафар фуқарога эса расмий огоҳлантириш берилиб, ишини қонунийлаштириш бўйича тушунтириш ишлари олиб борилди.

Маҳаллалардаги ҳолатни кузатар эканман, тартиб-қоида фақат назорат учун эмас, одамнинг ўзи учун хизмат қилишини чуқурроқ англадим. Биз эса шу тартибни жазолаш билан эмас, тушунтириш ва ҳамкорлик орқали ҳаётга татбиқ этишга ҳаракат қиламиз.

ҚУЛАЙЛИК



Мол-мулк ёки ер солиғи бўйича имтиёзга эга фуқаролар эндиликда бунинг учун давлат идораларига бориши шарт эмас.

СОЛИҚ ИМТИЁЗИДАН ОНЛАЙН ФОЙДАЛАНИШ МУМКИН

Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарори билан “Давлат солиқ хизмати органлари томонидан кўрсатиладиган давлат хизматларининг маъмурий регламентларини тасдиқлаш тўғрисида”ги Ҳукумат қарорига қўшимча киритилди. Янги тартибга кўра, жисмоний шахслар мол-мулк ва ер солиғи бўйича имтиёздан фойдаланиш учун электрон тарзда мурожаат юбориши мумкин. Бунинг учун Электрон солиқ хизматлари портали ёки “my.gov.uz” орқали ариза топшириш кифоя.

Мурожаат келиб тушгач, солиқ ташкилотининг масъул ходими уни мавжуд маълумотлар асосида икки иш куни ичида кўриб чиқади. Шундан сўнг солиқ имтиёзини қўллаш ёки рад этиш бўйича хулоса тайёрланади. Қабул қилинган қарор эса 1 иш куни ичида фуқаронинг Электрон солиқ хизматлари порталидаги шахсий кабинетига ёки “my.gov.uz” тизими орқали юборилади.

Янги тартиб фуқароларга ортиқча вақт сарфламасдан, солиқ имтиёзларини масофадан туриб расмийлаштириш имконини беради.

ОБУНАНИ ТАШКИЛ ЭТИШ БЎЙИЧА ОММАВИЙ ОФЕРТА

1. “MAHALLA DAVRIY NASHRLARI” МЧЖ (*бундан кейин — “Таҳририят”* деб юритилади), қуйида таклиф қилинаётган шартларни тўлалигича ва сўзсиз қабул қилишини билдирадиган шахс *(бундан кейин — “Обуначи”)* билан мазкур **оммавий оферта** шартларига мувофиқ, 2027 йил учун обуна шартномасини *(бундан кейин — “Шартнома”)* тузишга тайёр эканлигини билдиради. **“Таҳририят”** ва **“Обуначи”** кейинги ўринларда **“Тарафлар”** деб номланади.

2. “Обуначи” мазкур **“Шартнома”** шартларини қабул қилган тақдирда, унинг иловасида келтирилган шакл бўйича тўлдирилган ҳамда унинг ажралмас қисми ҳисобланган буюртманома-акцептни *(бундан кейин — “Акцепт”)* жўнатиш йўли билан мазкур оммавий оферта шартлари бўйича обуна бўлишга розилиги ҳақида **“Таҳририят”**ни хабардор қилади. **“Акцепт”**нинг барча устунлари тўлиқ, қисқартиришларсиз, аниқ-равшан, босма ҳарфлар билан тўлдирилиши керак. “Акцепт” (97) 780-62-70 телеграм рақами орқали жўнатилиши ёки **“Таҳририят”** жойлашган Тошкент ш., Мустақиллик шоҳ кўчаси, 59-уй манзилига юборилиши мумкин.

Факсимил ёзишмалар юридик кучга эга.

3. “Таҳририят” 2027 йил учун **“Акцепт”**да кўрсатилган нашрларга обуна қилиш мажбуриятини, **“Обуначи”** эса уни расмийлаштириш ва тўлаш мажбуриятини олади.

4. Мазкур **“Шартнома”**ни акцептлаш учун белгиланган муддатда олган шахснинг унда кўрсатилган шартнома шартларини бажариш юзасидан қилган ҳаракатлари (товарлар жўнатиш, хизмат кўрсатиш, ишлар бажариш, тегишли суммани тўлаш ва ҳ.к.) акцепт ҳисобланади.

5. “Обуначи” обуна маблағларини **“Таҳририят”** ҳисоб-рақамига ***(“Акцепт”га биноан белгиланадиган тўловнинг умумий суммасини)*** пул ўтказиш йўли билан юз фоиз (100%) олдиндан тўлаш мажбуриятини олади.

6. “Таҳририят” ҳисоб-рақамига мазкур **“Шартнома”**нинг 5- ва 6-бандлари шартлари билан назарда тутилган пул маблағлари келиб тушганидан кейин мазкур **“Шартнома”** бўйича ўз мажбуриятларини бажаришга киришади.

7. “Таҳририят” нашрларни манзили бўйича **Маҳаллалар уюшмасининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бошқармалари ҳамда туман (шаҳар) бўлимларига** ёки **“Обуначи”** манзилига юк-ҳужжати(накладная) асосида етказиб беришни ташкил қилади. Нашрлар ўз вақтида ёки тўлиқ етказиб берилмаган тақдирда, **“Обуначи”** бу ҳақда **“Таҳририят”**ни хабардор қилиши шарт.

8. “Обуначи” “Акцепт”да ўз манзилини нотўғри кўрсатган бўлса, нашрларни етказиб бериш юзасидан **“Шартнома”** шартлари бажарилмаганлиги учун **“Таҳририят” “Обуначи”** олдида жавобгар бўлмайди.

9. “Тарафлар” “Шартнома” шартларини бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун, агар бу **“Шартнома”** тузилганидан кейин, **“Тарафлар”** олдиндан кўра олмаган, оқилона чоралар билан олдини ололмаган фавқулодда тусдаги воқеалар натижасида енгиб бўлмас куч ҳолатлари (форс-мажор) бошланиши оқибатида юз берган бўлса, жавобгар бўлмайдилар.

10. Мазкур **“Шартнома”**ни бажариш чоғида вужудга келадиган барча низо ва келишмовчиликларни **“Тарафлар”** музокаралар йўли билан, шу жумладан талабнома юбориш йўли билан ҳал этадилар. Келишувга эришилмаган тақдирда низо суд тартибида ҳал этилади.

11. Мазкур оммавий офертанинг амал қилиш муддати — **2027 йил 31 декабргача.**

12. ТАҲРИРИЯТ РЕКВИЗИТЛАРИ:
«Mahalla davriy nashrlari» МЧЖ
Манзил: Тошкент шаҳри, Мустақиллик шоҳ кўчаси 59-уй
Ҳ/р: **2020 8000 8070 4192 5001,** АКБ «Туронбанк» Бош офиси. МФО: **00446**,
ИФУТ: ***58140***, ИНН: ***311 238 599,***
Тел/факс): **(71) 233-10-92, (71) 233-39-89, (97) 146 02 07, (97) 780-62-70**

«Mahalla davriy nashrlari» МЧЖ
Бош директори
Б. АБДУСАТТОРОВ

ИЛОВА

БУЮРТМАНОМА-АКЦЕПТ

202_ йил «___» _____

1. _____
(Обуначининг таъсис ҳужжатлари ёки давлат рўйхатидан ўтганлик гувоҳномасига мувофиқ ташкилий-ҳуқуқий шакли кўрсатилган тўлиқ номи)

_____ асосида амал қилувчи
ҳужжат (таъсис шартномаси, устав, низом ва б., ишончнома)

_____ тимсолида,
(Обуначи ваколатли вакилининг Ф.И.Ш. (тўлиқ) унинг лавозими)

«Mahalla» газетасининг **2026 йил 11 июлдаги 55 (2383)-сонида** эълон қилинган обунани ташкил этиш бўйича оммавий оферта шартларини тўлиқ ва сўзсиз қабул қилиши тўғрисида маълум қилади ҳамда 2027 йил учун қуйидаги нашрларга обуна бўлади:

№	Нашр номи	Бичими, саҳифаси	Даврийлиги	Бир йиллик обуна баҳоси *(ҚҚС билан)*	Сони	Суммаси
1.	“Mahalla” газетаси	*A2; 8 саҳифада*	*Ҳафтада 2 марта*	*1 200 000*		
2.	“Mahalla ko`zgusi” журнали	*A4, 64 саҳифада*	*Ойда бир марта*	*800 000*		

2. Тўлаш учун умумий сумма ҚҚС билан _____
_____ сўмни ташкил қилади.
(рақамлар ва ёзув билан кўрсатилсин)

3. Етказиб бериш учун манзил *(босма ҳарфлар билан аниқ қилиб тўлдирилади)*:

Почта индекси

Минтақа / Вилоят: _____, шаҳар/туман: _____,
_____
(шаҳарча, маҳалла, қишлоқ, кўча, даха, массив, уй, кв, хона)

Мўлжал: _____
4. Боғланиш учун телефон: _____
5. Алоқа боғловчи шахс: _____
(Ф.И.Ш.)

Обуначи реквизитлари:
СТИР: _____
ИФУТ: _____
ҚҚС тўловчисининг рўйхатдан ўтказиш коди: _____
Почта манзили: _____
Телефон: _____
Ҳ/р: _____
Хизмат кўрсатувчи банк: _____
Банк коди: _____

_____
(ваколатли мансабдор шахс имзоси, тўлиқ фамилияси, исми ва отаси исмининг бош ҳарфлари)

М.Ў.

ЭСЛАТМА: Банк тўлов кассалари, пайнет тўлов шохобчалари, мобил иловалар ва шунга ўхшаш тўлов тизимлари орқали тўловни амалга оширганингизда тўлов мақсадига ТУМАН, ШАҲАР номи ва МФЙ номи тўлиқ ёзилиши талаб этилади.

Масалан: “Нукус шаҳри, “Гузар” МФЙнинг “Mahalla” газетаси ва “Mahalla ko`zgusi” журналига 2027 йил обунаси учун маблағ ўтказилди”.

2

Изоҳ: Мазкур Оммавий офертани газетанинг 2026 йил 11 июлдаги 55-сонида эълон қилиш режалаштирилган эди. Бироқ техник (ташкилий) сабабларга кўра, уни чоп этиш 62-сонга қолдирилди.



ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР ВАЗИРЛИГИ: 2026 йилнинг ўтган олти ойида 111 нафар шахс сувда чўкиб, вафот этган.



Тезликни белгиланган меъёрдан соатига 80 километрдан оширган ҳайдовчиларни “ПРАВА”ДАН МАҲРУМ ҚИЛИШ таклиф этилди.



Ўзбекистонга олиб кирилаётган 21 ТОННА ҚАЛБАКИ ДОРИ ВОСИТАСИ тўхтатиб қолинди.

“МАҲАЛЛА ТИНЧ ВА АҲИЛ БЎЛСА, ЖАМИЯТ ТИНЧ, ҲАМЖИҲАТ БЎЛАДИ”



ХАВФСИЗ МАҲАЛЛА

“Менга халқнинг “раҳмат”и КУЧЛИРОҚ РАҒБАТ БЕРДИ”

...Маҳалламизда содир бўлиши эҳтимоли катта оилавий фожианинг олдини олдик. Ичкилик ва доимий жанжаллар гирдобида қолган, ажралиш ёқасига келган хонадондаги аҳволни чуқур ўрганиб, маҳалла фаоллари билан биргаликда оиладаги муҳитни бутунлай соғломлаштирдик.



Сардор СОАТОВ,
Шароф Рашидов туманидаги “Тараққиёт” маҳалласи профилактика инспектори.

Бордан уч ой ўтиб, ўша аёл кўчада мени кўриб қолди. Кўзларида табассум билан **“Раҳмат, ака, ўша куни ҳаётимни ҳам, оиламни ҳам асраб қолдингиз, сиз бизнинг ҳақиқий ҳимоячимизсиз”,** деди. Ишонинг, шу биргина миннатдорлик мен учун дунёдаги энг катта мукофот бўлди.

Маҳалладошларимнинг ишончини қозониш ва ҳудудда жиноятчиликнинг олдини олиш учун фаолиятимда тизимли тамойилларга таянаман. Жумладан, халққа яқин бўлиш учун фақат хизмат хонамда ўтирмайман, доим эл ичидаман. Шунингдек, махсус “Инспектор алоқада” телеграм гуруҳини ташкил этганман. Одамлар ариза ёзиб юрмай, муаммони шу заҳоти видео ёки матн кўринишида юборишади.

Кунлик иш режамнинг ярмида маҳалла кезаман. Хонадонлар эшигини тақиллатиб, “Қандай муаммоингиз бор?”, деб сўрайман. Бирор оилада низо ёки жанжал чиқса, воқеа жойига 10-15 дақиқада етиб бораман. Тезкорлик — жиноятлар катталашишининг олдини олади. Шу каби ташаббускорлик, тинимсиз изланиш сабабли жиноятчиликдан холи ҳудудмиз.

Асосийси, аҳоли ва “еттилик” ходимлари ўртасида ўзаро ишонч бор. У йиллар давомида ҳалоллик билан қозонилди. Ҳар қандай вазиятда ваъдамнинг устидан чиқишга одатланганман. Агар бир фуқарога “Муаммоингизни эртага ҳал қиламан”, дедимми, демак, эртага шу иш бўлиши керак. Сўзида турмаган инспекторни халқ ҳурмат қилмайди.

Қонунбузар ким бўлишидан қатъи назар — танишми, бойми ёки маҳалла фаолими — ҳаммага қонун бир хил ишлайди. Одамлар адолатга ишонсагина, орқамдан эргашади. Вазифам — фақат



жазолаш эмас. Ишсиз ёшларга бандлик маркази орқали иш топишда, эҳтиёжмандларга эса маҳалла раиси билан бирга моддий ёрдам ташкил этишда кўмаклашаман.

Ҳудуддаги барча гавжум масканлар ва қоронғи кўчаларга кузатув камералари ўрнатилишини ташкил қилдик. “Тунги патруль” жамоатчилик гуруҳи тузганмиз. Унга фаол ва спортчи ёшлар жалб қилинган. Тез-тез тунги рейдларни бирга ўтказамиз. Бу эса ҳудудда бемақсад юрганларни камайтиряпти.

Одамлар баъзан оиладаги зўравонлик ёки қўшнининг ножўя хатти-ҳаракатини очиқ айта олмайди. Шу боис аноним қути ўрнатдик. Бундан ташқари, яширин сўровномалар орқали қўплаб низоларни барвақт аниқлаб, ҳал қилдик. Киберсаводхонлик соатларида ёшлар ва кексаларни огоҳликка чақириб келяпмиз. Мунтазам равишда тушунтириш ишларини олиб боряпмиз.

Хулоса ўрнида айтсам, менга берилган унвон фақатгина мартаба эмас, энг аввало, улкан масъулият юклайди. Мақсадим — маҳалламдаги ҳар бир фуқаро тунда хотиржам ухлаши, кўчага чиққанда ўзини хавфсиз ҳис қилишидир.

МУЛОҲАЗА

КИБЕРЖИНОЯТЛАРДАН ҚАНДАЙ ҲИМОЯЛАНИШ КЕРАК?

УНИ ФАҚАТ ТЕХНИК ВОСИТАЛАР БИЛАН ЖИЛОВЛАБ БЎЛМАЙДИ

Тасаввур қилинг, телефонингизга таниш банкдан “Сиз 10 миллион сўм ютуқ ғолиби бўлдингиз, пулни олиш учун ушбу ҳаволани босинг”, деган хабар келди. Ёки яқин дўстингиз Телеграм орқали сиздан шошилинч пул сўради. Кўнглингиз қувончга ёки хавотирга тўлиб, биргина тугмани босасиз ва бир неча сония ичида пластик картангиздаги йиллар давомида йиққан маблағингиз ғойиб бўлади...



Илгари ўғрини уйга киритмаслик учун мустаҳкам дарвозалар, қулфлар кифоя қилган бўлса, бугун жиноятчи сиз билан битта хонада, чўнтагингиздаги телефон ичида турибди. **Давр ўзгарди, жиноятчилик эса рақамли маконга кўчди.** Бугун инсоният масофаларни қисқартирган интернет оламида яшамоқда. Ўғрилик содир этилиши учун жабрланувчининг пластик карта кодини билиш кифоя.

Энг ачинарлиси, киберфирибгарлик қурбонлари фақатгина содда ёки замон билан ҳамнафас бўлмаган кексалар эмас. Улар орасида олий маълумотли, замонавий технологиялардан хабардор ёшлар ҳам бор. Бу эса жиноятчиларнинг психологик усуллар(ижтимоий муҳандислик)ни жуда мукаммал эгаллаганидан далолат беради.

Хўш, бу вазиятда қандай чоралар кўриш тавсия этилади? Мутахассислар фикрига кўра, кибержиноятчиликка қарши курашда фақатгина жазо чораларини кучайтириш билан мақсадга эришиб бўлмайди.

*— Интернетда жиноятчи кўпинча аноним ёки бошқа давлат ҳудудида туриб ҳаракат қилади, — **дейди Ички ишлар вазирлигининг Жамоат хавфсизлиги департаменти ахборот хизмати ходими, подполковник Суҳроб Шомансуров.** — Шу боис маҳаллаларда “рақамли ҳушёрлик” тушунчасини шакллантиришга эътибор қаратиляпти. Ҳудди кўчага чиққанда уй эшигини қулфлашни билганимиздек, телефонга келган шубҳали ҳаволани босмасликни ҳам ўрганишимиз керак. Қолаверса, банк тизимлари ва мобиль иловалар хавфсизлик даражаси(масалан, шубҳали транзакцияларни тўғридан-тўғри қулфлаш тизими)ни янада мукаммаллаштириши лозим.*

Англаганингиздек, киберхавфсизлик давлат ташкилотлари ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ходимларнинг вазифаси бўлибгина қолмай, ҳар бир фуқаронинг шахсий масъулияти ҳамдир. Самарали киберхавфсизлик тизими фақат техник воситалар билан эмас, балки хавфларни бошқариш маданияти ва масъулиятли бошқарув орқали таъминланади.

Мутахассисларнинг хулосасига кўра, мураккаб белгилардан фойдаланиш, икки босқичли тасдиқлашни ёқиш, шубҳали ҳаволаларни очмаслик, банк маълумотларини ҳеч кимга бермаслик, дастурларни расмий манбалардан юклаб олиш, қурилмаларни мунтазам янгилаб бориш каби оддий қоидалар кўплаб хавфларнинг олдини олади.



Саҳифани “Mahalla”мухбири Хайрулло АБДУРАҲМОНОВ тайёрлади.

МЕНДА САВОЛ БОР...

Қариндошнинг уйида ҳам РЎЙХАТДАН ЎТИБ ЯШАНГ

Билолхон ҚОДИРОВ. Учкўприк тумани:

— Пойтахтга ишлаш учун келдим. Қариндошимнинг уйида истиқомат қиляпман. Бу ерда вақтинча турган жойим бўйича рўйхатдан ўтмасдан яшасам бўладими?



Ушбу сон саҳифаларидаги барча мақолалар матнини мусаҳҳиҳ Феруза ФУЗАЙЛОВА ўқиди.

Бекмурод БЕКИМБЕТОВ, Ички ишлар вазирлиги Жамоат хавфсизлиги департаменти ахборот хизмати ходими:

— Йўқ, сиз яқин қариндошингизнинг хонадонида вақтинча яшасангиз ҳам, рўйхатдан ўтишингиз талаб этилади. Агар бу тартибга амал қилмасангиз, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга асосан, БҲМнинг 3 баробарига тенг жарима тўлашга мажбур бўласиз.



Турган жой бўйича вақтинча рўйхатдан ўтиш миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлинмаси, ҳуқуқ-тартибот маскани ёки маҳалла ҳуқуқ-тартибот пункти, Давлат хизматлари маркази, ЯИДХП, “E-xabar berish” тизими орқали амалга оширилади. Меҳмонхона ва бошқа жойлаштириш воситаларида ҳамда стационар даволаш муассасаларида рўйхат “E-mehmon” тизими орқали расмийлаштирилади.

Mahalla

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмасининг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий газетаси

Бош муҳаррир: Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ

Дизайнерлар: Лазиз Мейликов, Шерзод Маманов

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2024 йил 7 майда №271590 рақами билан давлат рўйхатидан ўтказилган.

Муассис: «MAHALLA DAVRIY NASHRLARI» МЧЖ

Таҳририят манзили: 100192, Тошкент шаҳри Мустақиллик шоҳ кўчаси 59-уй.
Телефонлар: 71 233-39-89, 71 233-10-92.
Нашр кўрсаткичи: 148.

«Шарқ» НМАК босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси 41-уй.

Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди ва офсет усулида босилди.

Ўлчами — 380x587, 4 б.т.
8 359 нусхада чоп этилди.
Буюртма №: Г-820